

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ АБРОР АДХАМОВИЧ

**МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВИ АСОСИДА АНТИДЕПРЕССАНТЛАР
БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

15.00.03 – фармацевтика ишини ташкил этиш

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Рахимов Аброр Адхамович

Маркетинг ёндашуви асосида антидепрессантлар бозорини

ривожлантириш..... 3

Рахимов Аброр Адхамович

Маркетинговый подход к развитию рынка антидепрессантов..... 23

Rakhimov Abror Adkhamovich

Marketing approach to the development of antidepressants market..... 41

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ АБРОР АДХАМОВИЧ

**МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВИ АСОСИДА АНТИДЕПРЕССАНТЛАР
БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

15.00.03 – фармацевтика ишини ташкил этиш

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Far35 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саипова Дилфуза Тулкуновна
фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Расмий оллопонентлар:

Қамбаров Хусан Джахангирович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Ибрагимова Муҳаббат Яхъевна
фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» «09» соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» «09» кунни тарқатилди.
(2022 йил «5» «09» даги 40 рақамли реестр баённомаси)



К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Х.С. Зайнутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 300 миллиондан ортиқ инсонлар депрессиялардан азият чекади. Жумладан Ғарбий Европа мамлакатларида аҳолининг беш-ўн фоизиди ушбу хасталик мавжудлиги ва ўз жонига қасд қилишнинг юқори даражаси айнан депрессия касаллигига дучор бўлган беморлар ўртасида кузатилиши кўрсатиб ўтилмоқда. Шунинг учун аҳолига сифатли психиатрик ёрдам кўрсатиш, антидепрессант дори воситалари таъминотини такомиллаштириш, зарур бозор маълумотларини тақдим этиш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида ҳозирги кунда, дори воситаларининг ҳаётий даврини бошқариш, нархни шаклланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, оқилона фойдаланиш, макро ва микро муҳит омилларининг логистик етказиб берувчи занжирга бўладиган таъсирларини ўрганиш, давлат-суғуртачи-истеъмолчи учлигида кечувчи ташкилий муаммолар, фармакоиктисодий таҳлиллар ва бошқа шу каби йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада фармацевтик маркетинг тадқиқотларига, жумладан психиатрия амалиётида қўлланилувчи антидепрессант дори воситалари бозорини маркетинг ёндашуви асосида ўрганиш, конъюнктура кўрстакларини белгилашга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, зарур бўлган дори воситаларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш ва қондириш, маркетинг ёндашувини қўллаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг иккинчи бобида «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари муомаласини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада сифатли маркетинг тадқиқотларни амалга ошириш, бозор сегментларини ўрганиш, уларни тавсифлаш, структуралаштириш, истеъмолчи сўровларини ўтказиш, нарх сиёсатини белгилаш, прогнозлаш ва шу каби кўрсаткичларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «Ўзбекистон Республикаси руҳий саломатлик хизматини 2019-2025-йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021-йилларда республика фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва мазкур соҳага

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон фармони «2022-2026-йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги

тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича бажарилган «VI. Тиббиёт ва фармакология».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббиёт амалиётида қўлланиладиган дори воситаларининг таъминотини ташкил этиш ва ушбу дори воситалари бозорининг маркетинг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар Х.С. Зайнутдинов, Н.Д.Суюнов, Д.Т.Саипова, Г.А.Султанова, С.У. Алиев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Дунё миқёсида фармацевтика бозорининг алоҳида фармакотерапевтик гуруҳларини ўрганишнинг умумий ёндашуви борасида П.А. Шихаева, Л.А.Федорова, О.Г.Шигабутдинова, Н.Б.Дремова, Е.О.Трофимова, О.В.Коленчик, Н.И.Панкова, А.Г.Онишук, Д.А.Жукова, Э.В.Габитова, R.B.Ernst, M.D.Julie, N.Margrethe, Sh.Tarang, J.A.Greene, J.E.Calfee, R.Levy, M.L.Chambliss илмий изланишлар олиб боришган.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасида антидепрессантлар бозорини маркетинг сегментларига ажратиш, структуралаш, прогнозлаш ҳамда мутахассис сўровини ўтказиш ва бозор рақобат даражасини ўлчаш каби тадқиқотлари соҳасида олиб борилган биринчи илмий тадқиқотдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Ўзбекистонда қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маркетинг ва фармакоиктисодий таҳлили» мавзусидага илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Антидепрессантлар бозори ҳамда унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш бўйича услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фармацевтика бозорини ўрганишда қўлланилувчи маркетинг тадқиқотларининг турли жиҳатларини, яъни назарий ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган антидепрессантларининг ассортимент таҳлилинини ўтказиш;

антидепрессантлар бозорининг конъюнктура кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

сегментлар бўйича рақобат даражасини таҳлил қилиш;

антидепрессантларнинг эксперт баҳоловини ва ўрганилаётган ассортиментнинг градуировкасини ўтказиш;

антидепрессантлар бозори ҳажмини кейинги ривожланиш истиқболларини аниқлаган ҳолда прогнозлаш;

антидепрессантлар бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида депрессияда қўлланилувчи дори воситалари бозори олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий антидепрессант дори воситалари бозорининг конъюнктура кўрсаткичларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик, аналитик, қиёсий, социологик, мантикий-абстрактлаш усуллари, сифат таҳлили, функционал-мантикий моделлаштириш, эксперт баҳолаш ва контент таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасида антидепрессант дори воситаларининг бозорини ўрганиш бўйича тизимли маркетинг тадқиқотлари услуби ишлаб чиқилган;

антидепрессантлар бозори, шунингдек, анксиолитиклар ва нейролептиклар учун бозор рақобат муҳитининг даражасини ўрганиш услуби ишлаб чиқилган ва аниқланган;

даволаш амалиётида қўлланиладиган антидепрессантлар номенклатурасини ўрганиш мақсадида мутахассис – психиатрлар орасида эксперт баҳолаш тадқиқоти ўтказилган ва перспектив позициялар аниқланган;

ассортимент сиёсатини шакллантириш жараёнига бевосита интеграция қилиш мақсадида, ассортиментни градуировкалаш услуби ишлаб чиқилган ва аниқланган;

антидепрессантлар бозори мисолида фармацевтика бозорини прогнозлашнинг янги услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида антидепрессантларнинг мавжуд бўлмаган позицияларини рўйхатдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш имконияти асосланган;

бозордаги сегментларда рақобат даражаси тоифасини аниқлаш имкониятини берувчи рақобат муҳитини ўрганиш услуби ишлаб чиқилган;

дори воситаларининг таъминотидаги мавсумий тебранишларни ҳисобга олган ҳолда фармацевтика бозорининг пессимистик ва оптимистик прогнозлаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда математик-статистик, мантикий-назарий, тизимли, социологик ва аналитик тадқиқот усулларига асосланиб, маълумотларни қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида биринчи мартаба антидепрессантлар фармацевтика бозорининг ривожланиш тенденциялари маркетинг нуқтаи назаридан ўрганилганлиги ва тарихий ўзига

хосликлари тавсифланганлиги ҳамда мавсумийлик омилини ҳисобга олган ҳолда бозорни прогнозлаш, рақобат даражасини ўрганишнинг янги услублари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тасдиқланган услубий тавсияномалар Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, ЧЭК МЧЖ «Nobel Pharmsanoat»га жорий этилганлиги билан изоҳланади. Олиб борилган маркетинг тадқиқотлари маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчиларга ва мазкур соҳа ташкилотларининг иш фаолиятини оптималлаштиришга ҳамда асосланган қарорларни қабул қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маркетинг ёндашуви асосида антидепрессантлар бозорини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Определение уровня конкуренции на фармацевтическом рынке с использованием индекса Херфиндаля-Хиршмана (на примере рынка антидепрессантов Республики Узбекистан)» (9.10.2020 й., №8н-р/433) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 июндаги 08-15325-сон маълумотномаси). Натижада фармацевтика бозори сегментларида рақобат муҳитини ўрганиш ва даражасини ўлчаш имконини берган;

«Методология градуировки ассортимента лекарственных средств, с помощью экспертных оценок (на примере рынка антидепрессантов Республики Узбекистан)» (21.05.2021 й., №8н-р/397) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги далолатномаси; Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 июндаги 08-15325-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фармакотерапевтик гуруҳ доирасида алоҳида олинган ассортимент позициясини фармацевтик бозорга маркетинг жиҳатидан жорий этиш ва олиб борилиши ҳавфи даражасини баҳолаш, ҳамда хар бир позициянинг рақобатбардошлик кўрсаткичини солиштириш имконини берган;

«Методология прогнозирования показателей фармацевтического рынка, с использованием индекса сезонности (на примере рынка антидепрессантов Республики Узбекистан)» (21.05.2021 й., №8н-р/399) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган (Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 24 сентябрдаги далолатномаси; Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 июндаги 08-15325-сон маълумотномаси). Натижада мавсумийликни ҳисобга олган ҳолда келажакдаги бозор ҳажмларини прогноз қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида

муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Депрессияда қўлланилувчи дори воситалари билан таъминот ҳолати таҳлилининг назарий ва амалий жиҳатлари», депрессия патологияси, ушбу касалликнинг сабаблари ва механизмлари бўйича илмий адабиётларнинг таҳлиliga бағишланган. Антидепрессантларнинг жаҳон бозоридаги ўрни ва ўзига хос томонлари ўрганилган. Шунингдек, диссертация доирасида фармацевтика бозорининг маркетинг тадқиқотларида қўлланилиши мумкин бўлган асосий усуллари кўрсатилган ва муҳокама қилинган.

Иккинчи боб «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозоридаги антидепрессантларнинг маркетинг кўрсаткичлари таҳлили»да Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва тиббиёт амалиётига қўллаш учун рухсат этилган антидепрессантларнинг ассортимент таҳлили натижалари ёритиб берилган.


Антидепрессантлар ассортиментининг миқдорий кўрсаткичлари таҳлилида ассортимент кенглиги коэффицентини (1) ва янгиланиш индексини (2) аниқлаш учун қуйидаги формулалар қўлланилган:

$$K_{\text{ш}} \frac{Ш_{\text{факт.}}}{Ш_{\text{баз.}}} \quad (1); \quad И_{\text{обн}} = \frac{Q_{\text{н.}}}{Q_{\text{общ.}}} \quad (2)$$

Ассортимент кенглиги кўрсаткичини давлатлар кесимида тадқиқот даври давомидаги динамикаси ўрганилганда (1-расм) ушбу бозор ривожланишининг бир қатор хусусиятлари аниқланган. 2006-2010 йилларда рўйхатга олинган умумий антидепрессантларнинг салмоқли улуши хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг дори воситаларига (ўртача 80%) тўғри келди.

МДХ давлатлари фармацевтик корхоналари томонидан рўйхатга олинган антидепрессантлар улуши - ўртача 16%, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши эса 4% ни ташкил этди. Шу билан бирга, тадқиқот даврида антидепрессантлар бозорида мавжудлиги бўйича маҳаллий ЧЭК «Nobel-Pharmsanoat» нинг «Депрес» (Флуоксетин, капс. 20 мг № 8) препарати «барқарор етакчи» сифатида бўлиб келганлиги аниқланган.

2011 йилдан бошлаб маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ассортиментида антидепрессант дори воситалари салмоғининг ўсиши кузатилди. Бунда маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан рўйхатга олинган антидепрессантлар улуши 3% (2006 й.) дан 21% гача (2020 й. охирида) ошгани кузатилди.



1-расм. Ассортимент кенглиги кўрсаткичининг давлатлар кесимидаги динамикаси


2011 йилдан бошлаб ЧЭК «Nobel-Pharmsanoat» маҳсулот ассортиметини диверсификация қилиш тенденцияси кузатилди, яъни «Депрес» препаратидан ташқари яна иккита позиция рўйхатдан ўтказилди:

- «Мисол» (Сертралин, таб. 50 мг, 100 мг, № 14, № 28);
- «Эсцита» (Эсциталопрам, таб. 10 мг, 20 мг, № 14, № 28).

Иккинчи маҳаллий ишлаб чиқарувчи «Nika Pharm» ДХО, 2010 - 2015 йилларда ушбу сегментда амитриптилин (25 мг таблеткалар ва 20 мг / 2 мл инъекция эритмаси) позициясини ушлаб турган. Шунингдек 2012 йилда «Codepharm» МЧЖ янги антидепрессант «Декревен SR» (Венлафаксин, секинлаштирилган ажралиб чикувчи капс. 37,5 мг, 75 мг, 150 мг) ни рўйхатдан ўтказди.

Антидепрессантларни рўйхатдан ўтказиш динамикаси давлатлар кесимида ўрганилди. Таҳлил натижасида 25 давлатнинг антидепрессант дори воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги аниқланди, тадқиқот даври давомида Франция, Ҳиндистон, Австрия, Венгрия, Латвия, Италия, Украина ва Ўзбекистон Республикаси фармацевтик корхоналари барқарор таъминотчилар сифатида ажралиб чиқди.

Фармацевтика компаниялари кесимида олиб борилган контент таҳлили барча ўрганиш даврида фаол бўлган 55 та антидепрессант ишлаб чиқарувчилари аниқланди, улардан 2020 йил ҳолатига кўра (жами 46 компания) позициялар сони бўйича ТОП учликка кирганлари: «Krka d.d.», Словения (5 позиция, 11%); «ATM Pharm», Ўзбекистон (4 позиция, 7,5%); ИП «Nobel-Pharmsanoat», Ўзбекистон (3 позиция, 6,5%).



2- расм. Таъсир механизми бўйича антидепрессантларни рўйхатдан ўтказиш структураси

Таҳлил натижаларига кўра, антидепрессантлар ички бозорининг қуйидаги хусусиятлари аниқланди:

умумий рўйхатдан ўтган препаратлар орасида энг катта улуш (29,8%) амитриптилин ХПНга тўғри келади;

Эсциталопрам сақловчи антидепрессантларни рўйхатдан ўтказиш тенденциясининг фаоллашуви кузатилди (17%);

2010 йилгача мавжуд бўлган, таъсир қилиш механизмига кўра МАО ни А типидagi танлаб қайтар ингибиторлари гуруҳига кирувчи антидепрессантларни рўйхатдан ўтказилиши тўхтатилди (2-расм);

антидепрессантлар ассортиментини таъсир механизмига кўра таҳлилида хорижий ва маҳаллий корхоналар томонидан серотонин мембрана насосининг ингибиторларини қайд этишда ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (44,7%);

рўйхатдан ўтган антидепрессантларни клиник таъсирига кўра таҳлилида мувозанатли клиник таъсир турига тўғри келган препаратлар умумий ассортиментнинг салмоқли 49% ни ташкил этганлиги аниқланди.

Антидепрессантлар бозорининг конъюнктура кўрсаткичлари. Тадқиқотда «Drug Audit» маълумотлар базасидан фойдаланилди. Бунда Ўзбекистон Республикасида антидепрессантларни импорт асосида хориждан келтириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш миқдорлари бўйича жамланма маълумотлари таҳлил қилинди ва ҳар бир препарат бўйича бозор улуши аниқланди (формула 3).

$$Д_{ФП} \text{ улуши} = (A_{КФР} / A_{ОК}) * 100\% \quad (3)$$

бунда:

Д_{ФП} улуши – антидепрессантларнинг умумий ассортиментида ҳар бир позиция эгаллаган бозор улуши (%);

А_{КФР} – антидепрессантлар гуруҳидан бозорда мавжуд бўлган конкрет ассортимент позицияларининг сони;

А_{ОК} – антидепрессантлар гуруҳининг бозорда мавжуд бўлган барча позицияларининг сони.


Антидепрессантлар бозорини таҳлил қилиш натижаларига кўра, ХПН Амитриптилин сақловчи дори воситалари миқдор жихатидан 2006 йилдан 2014 йилгача «зиг-заг» кўринишида ўсиб келганлиги, лекин кейинги даврда (2015–2019 йиллар) ушбу ХПН учун бозор ҳажми кескин камайганлиги кузатилган (3-расм). Аммо 2020 йилга келиб, амитриптилиннинг умумий бозор ҳажми 2014 йилдаги кўрсаткичга яқинлашган ҳолда кўтарилганлиги аниқланди.

Шунингдек, ўрганилаётган бозордаги Флуоксетин сақловчи дори воситаларининг ҳажми 2006 йилда 39 484 ўрамни ташкил этган бўлса (12,8%), ушбу кўрсаткич 2018 йилга келиб 250 387 ўрамни ташкил этган (бозор улушининг 33%). Таҳлил даврининг охирига келиб, бу кўрсаткич 165 161 ўрамга камайган ва бозор улушининг 18,3% ташкил этган.

Ўрганилаётган гуруҳдаги Эсциталопрам сақловчи антидепрессантлар етакчилиққа даъвогар сифатида шаклланимда, бунга сабаб ушбу гуруҳ дори воситалари улуши мунтазам равишда ўсиб бораётганлигидир. Шунинг таъкидлаш жоизки, Эсциталопрам биринчи маротаба Ўзбекистон Республикасида 2011 й. рўйхатга олинган ва шу йилнинг ўзида ушбу антидепрессантнинг биринчи таъминоти 608 ўрам миқдоридан амалга оширилган (ўрганилаётган бозорнинг 0,2% га тўғри келади). 2020 йил ҳолатига кўра, Эсциталопрам сақловчи антидепрессантлар эгаллаган бозор улуши 8,2% ни ташкил этди. Кейинчалик, 2014 йилдан бошлаб уларни маҳаллий бозорга етказиб бериш ҳажмлари мунтазам ўсиши аниқланди.


Антидепрессантлар бозоридаги қолган ўрганилган позициялар - Флувоксамин, Пароксетин ва Сертралин ўзларини «кичик мавқега эга» позициялар сифатида кўрсатдилар, сабаби ўрганилган 15 йиллик давр мобайнида уларда сезиларли ўсиш ёки камайиш кузатилмаган, лекин ушбу бозорда доимий ўз шаклланиган ҳажмларига эга бўлиб келганлар (3-расм).

Маҳаллий антидепрессантлар бозори тузилишининг таркибини ўрганишда, тимоаналептик таъсирнинг намоён бўлиш кучли (5 балл), ўртача (4 балл), заиф (3 балл) турига кўра, тасниф қўлланилган. Ўрганиш натижасида таҳлил қилинган 15 йиллик давр давомида тимоаналептик таъсирнинг намоён бўлиш кучи кўрсаткичи бўйича 5 баллик гуруҳига кирган антидепрессантларни ишлаб чиқарилиши ва импорт қилиниши камайиб бораётганлиги аниқланди.



3-расм. Таъсир этувчи моддаси бўйича антидепрессантлар бозори конъюнктурасининг таҳлили (қадок сони кўрсаткичларида)

Юқоридаги гуруҳ таҳлил қилинаётган даврнинг бошига, бозорнинг 82% ташкил қилган бўлса, давр охирига келиб (2020 йил) улар 60% камайган. ХПН бўйича ушбу гуруҳга қуйидаги антидепрессантлар киритилган: Амитриптилин, Пароксетин ва Имипрамин.



4-расм. Антидепрессантларнинг тимоаналептик таъсирининг яққоллик даражаси

Антидепрессантларнинг «4 баллик» тури, аввалгиларининг улуши камайганлиги ҳисобига уларнинг ҳажми ошганлигини аниқланди. Яъни ушбу гуруҳ антидепрессантлари 2006 йилда бозорнинг 17.8% ни эгаллаган бўлса, 2020 йил ҳолатига бу кўрсаткич 38% ташкил этган (4-расм).

Ушбу антидепрессантлар гуруҳига Флувоксамин, Сертралин, Пирлиндол, Флуоксетин, Венлафаксин, Милнаципран, Миртазапин ва Эсциталопрам киради.

Рақобат даражасини ўрганиш. Рақобат даражасини баҳолашнинг тасдиқланган методологияларидан бири бу Ҳерфиндал-Хиршман индекси

хисобланади (формула 4). Ушбу индекс ўрганилаётган соҳадаги ҳар бир корхонанинг сотув улушларининг фоиздаги квадратлари йиғиндиси бўйича аниқланади ва бунда ушбу улуш ўрганилаётган бозордаги барча сотув ҳажмига нисбатан ҳисоблаб топилади.

Ҳерфиндал-Хиршман индекси (ННІ) барча (улуши 1% дан ортиқ) бозор иштирокчиларининг бозор улушлари квадратлари йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

$$HHI = S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_n^2 \quad \mathbf{H} = \sum_{i=1}^N s_i^2 \quad (4)$$

Бунда олинган натижалар қуйидагича шархланади: 500 дан кам индекс қиймати эркин рақобатга мос келади, 500 дан 1500 гача индекс қиймати монополистик рақобатни кўрсатади, 1500 дан 3000 гача бўлган ННІ индекси олигополистик рақобатни, 3000 дан 10 000 балгача бўлган индекс монополияни кўрсатади.


Бозорнинг учта сегменти учун рақобат даражаси - ННІ индекси ҳисоблаб чиқилди. Олинган натижаларга кўра, 2008-2012 йиллар даврида антидепрессантлар бозоридаги рақобат концентрация кўрсаткичларининг мунтазам равишда ўзгариб турганлиги аниқланди. 2009–2010 йиллар оралиғида ўрганилаётган бозор нисбатан юқори олигополистик рақобат ҳолатига ўтган, кейинчалик эса (2011й.) ушбу даражанинг кескин монополистик рақобат кўрсаткичига пасайиши кузатилган. Ўрганилган бозор сегментидаги вазият 2013 йилда барқарорлашишни бошлаган (5-расм).

Бозордаги вазият 2015 йилда монополистик рақобат томонига қараб бироз пасайиши кузатилди (ННІ 1412). 2016 йилдан бошлаб эса концентрация даражаси яна ўсишни бошлаган ва 2017 йилда ННІ 1606ни ташкил этиб яъни олигополия ҳолатига ўтган. 2020 йил ҳолатига келиб ўрганилаётган бозор сегменти монополистик рақобатга ўтди.

Маҳаллий антидепрессантлар бозорини монополистик рақобатга мойил дейиш мумкин ва ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: маҳсулотлар бозор сегментлари бўйича фарқланади; товар белгилари патентлар ва товар белгиларини рўйхатга олиш йўли билан ҳимояланганлиги; ишлаб чиқарувчилар махсус брендларни шакллантириши ва х.к.

6-расмда антидепрессантларнинг асосий фармацевтика ишлаб чиқарувчилари келтирилган бўлиб, уларнинг ўрамлардаги бозор улушлари 10% дан ошади.

2013 йилдан бошлаб (6-расм) «ГНЦЛС» фармацевтик ишлаб чиқарувчи (Украина) ўрганилган бутун давр мобайнида ҳажм жихатидан бозордаги доминант мавқеини йўқотаётганини кўрсатди. Яъни ушбу ишлаб чиқарувчи 2009 йилда антидепрессантлар бозорининг қарийб 37%ни эгаллаган, лекин тадқиқот даврининг охирига келиб (2020й.) ушбу кўрсаткич 14% ташкил этган.




5-расм. Антидепрессантлар бозорида Херфиндал-Хиршман бўйича концентрация даражаси

Учинчи боб «Ўзбекистон Республикаси антидепрессантлар бозорининг ривожланиш истиқболлари»да, антидепрессантларнинг истеъмолига таъсир қилувчи бозор омилларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Омиллар таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилаётган дори воситалари гуруҳи бўйича бозор ҳажми кўрсаткичларининг ошиши куз-қиш давридан, аниқроғи август ойидан бошлаб ва мартгача (баъзан февралгача) давом этиши аниқланди. Ушбу ўзига хослик касаллик кечишининг мавсумийлиги билан боғлиқ бўлиб бунда фармацевтик ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, чакана сотувчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчилари томонидан максимал равишда маркетинг фаолиятини фаоллаштириш давлари сифатида қаралиши мумкин.

Антидепрессантлар позицияларини бозорда ушлаб турилиши билан боғлиқ хавфлар даражасини маркетинг жихатидан баҳолаш мақсадида мутахассислар фикрига таянган ҳолда эксперт тадқиқоти ўтказилди. Шунингдек, антидепрессантлар фармацевтик бозорини прогнозлашнинг янги методологияси таклиф қилинди ва прогнознинг пессимистик ва оптимистик йўналишлари бўйича мавсумийлик омилини ҳисобга олган ҳолда апробациядан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозори шароитида биринчи марта мутахассисларнинг малакаси ва уларнинг репрезентативлигини инобатга олган ҳолда антидепрессант дори воситалари ассортиментини эксперт баҳолаш ўтказилди. Мутахассисларнинг фикрларини ўрганиш воситаси сифатида баҳолаш мезонлари белгиланиб, улар асосида ишлаб чиқилган анкетадан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида мавжуд бўлган антидепрессантлар номенклатурасининг истеъмол хусусиятлари ХПНлар бўйича терапевтик самарадорлик, таъсирнинг пайдо бўлиш тезлиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича баҳоланди.



6-расм. Антидепрессантлар асосий ишлаб чиқарувчиларининг бозордаги улушлари

Тадқиқотда Лайкерт шкаласи қўлланилди. Экспертлар сифатида 60 мутахассисдан иборат психиатрлар танлаб олинди (экспертлар сони танланманинг репрезентативлигини ҳисоблаш асосида аниқланди). Мутахассислар учун тақдим этилган антидепрессантларнинг номлари (ХПН лар бўйича) уларнинг сўнгги 5 йилдаги (2015–2020 й.) «Drug Audit» маълумотларига кўра ўрганилаётган бозорда мавжудлиги асосида танланди. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида биринчи марта ассортиментни градуировкалаш методологиясидан фойдаланилди.

Антидепрессантларнинг ҳар бир алоҳида олинган ХПН (Еор) ни баҳолаш мутахассисларнинг малакасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула асосида амалга оширилди (5):

$$E_{op} = a_{op} * S_p, \quad (5)$$

бунда: Еор – «р» - рақамли эксперт томонидан унинг компетентлигини ҳисобга олган ҳолда «о» - препарати учун ҳисоблаб топилган баҳоси,

аор – «р» - эксперт томонидан «о» - препаратига қўйилган баҳо;

Sp - «р» - рақам остидаг экспертнинг компетентлиги.

Кейинчалик, «о» – дори воситасининг - Срво формуласига (6) асосан ўртача баҳоси ҳисоблаб чиқилади:

$$Cp_{pvo} = \frac{\sum a_{op} * S_p}{\sum S_p} \quad (6)$$

Мутахассис психиатрлар профессионал маълумотларининг асосий кўрсаткичлари олдиндан белгиланган схема бўйича балларга айлантирилди.

Анкеталари кўриб чиқилгандан сўнг, экспертнинг компетентлиги (7) формула бўйича балларда ҳисоблаб чиқилди:

$$S_p = J + D \quad (7)$$

J - мутахассислик бўйича иш стаж; D - тиббий тоифа.

Шунингдек, баҳоланаётган истеъмол хусусиятларининг ҳар бир омили бўйича эксперт хулосаларининг келишилганлигини миқдорий баҳолаш учун вариация коэффицентини аниқлаш формуласидан фойдаланилди. Агар вариация коэффиценти 25% дан ошмаса, экспертларнинг фикрлари бўйича

келишилганлик даражаси яхши эканлигини ва мувофиқлашганлигини кўрсатади.

Интервью қилинган экспертларнинг таркибий структуравий портрети қуйидагиларни кўрсатди:

респондентларнинг 62%–45–64 ёшдаги бўлган (37 киши), қолган 38%и - 30–44 ёшгача бўлганлар (23 киши) ташкил этди;

аёллар улуши - 65%, эркеклар - 35%;

сўровда қатнашганларнинг 12% илмий даражага эга, қолган 88% илмий даражага эга эмас;

60 нафар психиатрдан 43 нафари энг юқори тоифага (72%), 20% - биринчи тоифага ва 8% - иккинчи тоифага эга эди.

Респондентларнинг ярмидан кўпи (53%) мос равишда 10–20 йиллик, 20%и - 20–30 йиллик —, 15%и — 5 йилдан 10 йилгача ва 12%–5 йилгача иш стажига эга.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида препаратни баҳолашнинг келишилган мезонларига мувофиқ (9 мезон) мутахассислар билан суҳбатлашиш учун анкеталар ишлаб чиқилди.

Мутахассисларнинг сўрови давомида олинган маълумотлар мажмуасини қайта ишлаш натижаларига кўра, антидепрессантнинг ҳар бир ХПНи учун интеграл баҳо ҳисоблаб чиқилди.

Шунингдек, антидепрессантлар ассортиментининг градуировкалаш бўйича таснифи аниқланди (5 балли шкала, бу ерда 5 - максимал ижобий фикр, 1 – эксперт томонидан берилган минимал балл). Ассортиментни градуировкалаш методологияси тадқиқот натижаларига кўра 4 даражали баҳолашни назарда тутди. 1-гурух - «қулай» конъюктурали дори воситалари, 2-гурух - «хавф» мавжуд бўлган конъюктурали дори воситалари, 3-гурух - «ноқулай» конъюктурали дори воситалари ва 4-гурух «баҳоланмаган» дори воситалар гуруҳларига тоифаланади (2-жадвал).

Жадвал 2.

Ассортиментни градуировкалаш натижалари

№	ХПН	Ўртача баҳо	Яхлитлаш	Гуруҳ
1	Эсциталопрам	4,5	4,5	1
2	Венлафаксин	4,4	4,5	
3	Сертралин	4,1	4,0	2
4	Флуоксетин	3,6	4,0	
5	Пароксетин	3,4	3,5	
6	Флувоксамин малеат	3,4	3,5	
7	Амитриптилин	3,3	3,5	
8	Тразадон	3,0	3,0	3
9	Миртазапин	2,9	3,0	

Таҳлил натижаларига кўра, қулай конъюнктурага эга бўлган биринчи гуруҳ дори воситаларига ХПН Эсциталопрам ва Венлафаксин антидепрессантлари киритилди. Ассортиментни градуировкалашда 1-гурухга

одатда, мутахассисларнинг фикрига кўра, турли параметрларни ҳисобга олган ҳолда юқори самарали дори воситалари киради. Ушбу олинган натижа юқорида кўрсатиб ўтилган ХПНлардаги антидепрессантларнинг мутахассислар ўртасида муваффақиятли қўллаш тажрибаси натижасида деб ҳам баҳолаш мумкин. Ушбу вазият ўрганилаётган бозорнинг ҳажмлардаги кўрсаткичларини ўрганилганда ҳам ўз тасдиғини топди, яъни Эсциталопрам ва Венлафаксин антидепрессантларининг ҳар йилги маҳаллий бозордаги импорти ва ишлаб чиқарилиши йилдан йилга ўсиб бораётганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, мутахассисларнинг фикрига кўра, Сертралин, Флуоксетин, Пароксетин, Флувоксамин малеат ва Амитриптилин ХПН антидепрессантлари «хавфли» гуруҳга киритилган (кетма-кет ўртача баҳолашнинг камайиши тартибида). Одатда ушбу натижа методология моҳиятига кўра, талаби пасайиб бораётган дори воситаларига таллуқлидир.

Учинчи гуруҳга мутахассисларнинг фикрига кўра Тразадон ва Миртазапин киритилди. Ушбу гуруҳга киритилган антидепрессантлар экспертлар фикрига кўра ножўя таъсирларининг нисбатан кўплиги туфайли чекланган миқдорда қўлланилиши аниқланди.

Ассортиментни ўрганиш ва эксперт баҳолашини ўтказиш жараёнида 4-гуруҳдаги дори воситалари аниқланмади (2-жадвал).

Якуний босқичда таҳлил қилинган тўққиз параметр бўйича экспертлар фикрларининг мувофиқлик кўрсаткичи - ўрганилди. Шу билан бирга, вариация коэффициентидан фойдаланган ҳолда, эксперт хулосаларининг нисбатан юқори ўхшашлиги аниқланди (3-жадвал).

Жадвал 3.

Антидепрессантларнинг истеъмол хусусиятларининг батафсил мезонларга мувофиқ баҳоларининг вариация коэффициентлари

№	ДВ номланиши	% даги кўрсаткичлар								
		Самардорлиги	Ножўя таъсирлари	Қулай дозаланиши	Қулай дори шакли	Қунолик истеъмол қилиш сони	Хавфсизлик терапевтик ойнаси	Таъсири намоён бўлиш тезлиги	Стационардан ташқари буюрилиши	Дори воситасининг нархи
1	Эсциталопрам	13	13	17	12	11	10	11	18	26
2	Венлафаксин	14	15	15	14	25	13	19	20	28
3	Флуоксетин	16	17	16	17	24	18	17	30	19
4	Сертралин	14	20	16	18	18	18	19	19	35
5	Пароксетин	22	18	27	21	18	21	16	29	29
6	Флувоксамин малеат	20	19	16	14	20	18	16	27	28
7	Тразадон	13	18	20	22	20	16	16	24	29
8	Миртазапин	12	32	26	19	31	22	15	32	25
9	Амитриптилин	24	36	25	15	27	28	27	27	9

Ушбу коэффициент бўйича мутахассислар фикрларининг энг юқори

келишилганлик даражаси нарх параметри бўйича Амитриптилин учун эканлиги аниқланди (вариация коэффициенти - 9%). Яъни мутахассислар фикрига кўра ушбу антидепрессант нарх жихатдан ўрганилаётган қолган антидепрессантларга нисбатан энг мақбули эканлигини кўрсатади.

Эсциталопрам ХПН препаратлари хавфсизлик кўрсаткичлари, нојўя таъсирларнинг камлиги, антидепрессив таъсирининг тезлиги ва бошқа нисбий кўрсаткичлар бўйича эксперт баҳолашнинг натижаларига кўра мутахассислар ўртасида - юқори даражада келишилганлик мавжудлигини кўрсатди.

Шунингдек экспертларнинг фикрича Амитриптилин ва Флуоксетин ХПН антидепрессантлари нарх параметри бўйича энг арзон эканлиги ҳақидаги фикрлари мос келди. Эксперт баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда, ХПН Эсциталопрам ва Венлафаксинни маҳаллий бозорда Амитриптилин каби эски антидепрессантларнинг ўрнини босувчиси сифатида таклиф қилиш мумкин.

Антидепрессантлар бозорини прогнозлаш учун тадқиқот объекти сифатида умумий бозор кўрсаткичлари ўрганилди ва ўрганилаётган барча диапазондан тўртта ХПН позицияси - амитриптилин, флуоксетин, венлафаксин ва эсциталопрам танланди. Ушбу позицияларни тадқиқотга киритиш мезони сифатида уларнинг ўрганилаётган бозорда нисбатан узоқ вақт қўлланилиб келинаётганлиги ва бозорда мавжудлиги натижасида етарли миқдордаги маълумотларни олиш имконияти борлиги бўлди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида ҳисоблашлар амалга оширилди ва қуйидаги кўрсаткичлар учун асосий маълумотлар мажмуаси шакллантирилди:

- антидепрессантларни ишлаб чиқариш ва импорт қилиш бўйича йиллик кўрсаткичларнинг ойлик тақсимоти (шунингдек, турли ХПНлар учун алоҳида);
- ҳар ой учун ҳисобланган мавсумийлик коэффициенти;
- ойлик кўрсаткичларнинг ишонч оралиғи ва стандарт оғишини ҳисобга олган ҳолда четланиш маълумотлари.

Прогнозлаш жараёнида қўлланилган методология, таҳлилда ўрганилаётган бозорнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мослаштирилди.

Дастлаб методологияни апробациядан ўтказиш мақсадида, ретроспектив (2010-2018й.) конъюнктура маълумотларига асосланган ҳолда 2019 йил учун назорат прогнози танланган ҳисоблаш алгоритми асосида амалга оширилди.

Ҳисоблаш ишлари, қуйидаги танланган ҳисоблаш алгоритмига кўра бажарилди:

- «прогноз» йўналиши бўйича (ҳисобланган оғиш кўрсаткичини ҳисобга олинмаганда);
- пессимистик (ҳисобланган оғиш кўрсаткичини айириш орқали);
- оптимистик прогноз (ҳисобланган оғиш кўрсаткичини қўшиш орқали).

Прогнозлаш ҳисобларининг ишончлилиги 2019 йил учун антидепрессант дори воситаларининг импорт қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича «Drug Audit» маълумот базасидан олинган ҳақиқий маълумотлар билан таққослаш йўли билан аниқланди. Антидепрессантлар бозорининг умумий ҳажмини прогноз қилишда ҳақиқий маълумотлар оғишни ҳисобга олмаган ҳолдаги прогнозга

яқин натижа олинди ва прогнознинг аниқлиги 97% ни ташкил этди. Умумий антидепрессантлар бозори, ҳамда танланган бошқа позициялар учун, прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Жадвал 4.


**Прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқий кўрсаткичлар билан
таққослаш натижалари**

№	ДВ номлари (ХПН бўйича)	Прогноз кўрсаткичлари			«Drug Audit» бўйича ҳақиқий кўрсаткичлар	Прогноз кўрсаткичларидан бирига нисбатан миқдорий фарқи	Прогнознинг аниқлиги % да
		Оғишми ҳисобга олмаган ҳолда прогноз	Пессимистик прогноз	Оптимистик прогноз			
1	Антидепрессантлар бозори умумий ҳажми	719 394	616 259	822 530	700 138	19 256	97 %
2	Амитриптилин	360 017	283 029	437 005	292 425	9 396	97 %
3	Флуоксетин	185 752	143 620	227 885	170 450	15 302	91 %
4	Венлафаксин	21 845	10 261	33 430	11 080	819	93 %
5	Эсциталопрам	76 251	30 427	122 075	73 828	2 423	97 %
Ўртача кўрсаткич							95 %

Ҳисоблашлар натижасида 2025 йилга мўлжалланган антидепрессантлар бозорининг умумий кумулятив прогнози 978 851 дона қадоқни ташкил этди. Пессимистик прогнозга кўра 831 992 дона, оптимистик прогноз эса 1 125 716 дона қадоқни ташкил этди (7-расм).

Шунингдек, ўрганилган антидепрессантлар бозорида мавсумийлик тенденцияси мавжудлиги аниқланди. Бунда йил давомида ойларнинг маълум даврларида бозор ҳажми кўрсаткичларининг тўлқинли пасайиши ёки кўпайишини такрорланишлари кузатилди.

Прогноз маълумотлари шуни кўрсатдики, маҳаллий антидепрессантларнинг қадоқлардаги бозор ҳажми ўрта муддатли истиқболда ўсиб боради, шунингдек, қулай бозор шароитлари, масалан, истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятининг ошиши, бу ўсишни олдиндан белгиловчи омиллардан бири бўлиб қолади.



7-расм. Маҳаллий антидепрессантлар бозорининг 2026 йилгача бўлган умумий ҳажмининг прогнози

ХУЛОСА

1. Антидепрессантлар истеъмолининг жаҳондаги ўзига хос хусусиятларининг асосий тенденциялари аниқланиб, маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг илмий усуллари таҳлил қилинди ва шу асосида фармацевтик бозорни маркетинг жиҳатидан ўрганишнинг янги услублари таклиф этилди.

2. Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари реестрига киритилган антидепрессантлар ассортиментининг маълумотлари бўйича батафсил контент таҳлил ўтказилди. Эсциталопрам сақловчи антидепрессантлар рўйхатдан ўтказилиши ошиб бораётганлиги ва ўсимликлар асосидаги антидепрессантларнинг йўқ эканлиги аниқланди.

3. Маҳаллий антидепрессантлар бозорининг ретроспектив маълумотлари асосида конъюнктура кўрсаткичлари ва хусусиятлари ўрганилди. Ушбу дори воситаларнинг сегментацияси амалга оширилди, ҳамда Флуоксетин ва Эсциталопрам сақловчи антидепрессантлар истеъмоли амитриптилин ҳажмининг камайиши ҳисобига ошиб бораётганлиги аниқланди.

4. Фармацевтика бозорида рақобат даражасини ўлчаш услуби таклиф этилди ва апробацияланди. Тадқиқот антидепрессантлар бозори маълумотларига асосланган бўлиб, нейрорептик ва анксиолитик дори воситалари гуруҳи қиёсий таққослаш объекти сифатида фойдаланилди. Таклиф этилган методология асосида услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

5. Ўрганилаётган бозорнинг ривожланиш салоҳиятини аниқлаш мақсадида мутахассисларнинг компетентлиги ва танланманинг репрезентативлигини ҳисобга олган ҳолда антидепрессантларни эксперт баҳолаш тадқиқоти амалга оширилди. Мезонларга мувофиқ антидепрессантларнинг энг истиқболли ассортимент позициялари аниқланиб, баҳолаш натижаларига кўра илк маротаба ассортиментни градуировкалаш услуби таклиф этилди ва фармацевтика амалиётига жорий қилинди.

6. Мавсумийлик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда антидепрессантларнинг фармацевтик бозорини прогноз қилишга мослаштирилган услуб таклиф этилиб, унинг асосида 2026 йилга қадар ўрганилаётган бозор ҳажмининг прогнози амалга оширилди. Прогнознинг аниқлиги ушбу услубни 2019 йил кўрсаткичлари билан валидациялаш ёрдамида тасдиқланди. Таклиф этилган услуб асосида услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РАХИМОВ АБРОР АДХАМОВИЧ

**МАРКЕТИНГОВЫЙ ПОДХОД К РАЗВИТИЮ РЫНКА
АНТИДЕПРЕССАНТОВ**

15.00.03 – организация фармацевтического дела

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Far35.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Саипова Дилфуза Тулкуновна
кандидат фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты

Камбаров Хусан Джахангирович
доктор фармацевтических наук, профессор

Ибрагимова Мухаббат Яхьяевна
кандидат фармацевтических наук, доцент

Ведущая организация:

ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники»

Защита диссертации состоится «21» 09 2022 г в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 40 по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «5» 09 2022 года
(Реестр протокола № 40 от «5» 09 2022 года)



К.С. Ризаев

Председателя научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.м.н.

Ё.С. Кариева

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.фарм.н., профессор

Х.С. Зайнутдинов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. По оценкам Всемирной организации здравоохранения во всем мире депрессией страдают более 300 млн. людей. Отмечается, что в странах Западной Европы депрессией страдают от пяти до десяти процентов населения и высокие показатели суицида наблюдаются именно при депрессивных расстройствах. По этой причине, важным составляющим является качественное улучшение психиатрической помощи населению, усовершенствование поставок антидепрессантов, реализация исследований по предоставлению необходимых рыночных данных.

В настоящее время в мировом масштабе проводятся научные исследования по таким направлениям как - управление жизненным циклом лекарственных средств, изучение факторов, влияющих на формирование цен, рациональное использование, изучение влияния факторов макро- и микросреды на логистическую цепь поставок, организационные проблемы в триаде государство-страховщик-потребитель, фармакоэкономический анализ и другие. В связи с этим особое внимание уделяется фармацевтическим маркетинговым исследованиям, в том числе изучению рынка антидепрессантов, применяемых в психиатрической практике на основе маркетингового подхода, и исследованиям, направленных на определение конъюнктурных показателей.

В нашей республике достигнуты определенные результаты в части оказания качественной медицинской помощи населению, путем удовлетворения потребности в необходимых лекарствах, применения маркетингового подхода. Во второй главе стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены неотложные задачи, такие как «Совершенствование системы регулирования обращения лекарственных средств и изделий медицинского назначения, а также обеспечение населения доступной и качественной продукцией»¹. Соответственно связи с этим важным является проведение качественных маркетинговых исследований, изучение сегментов рынка, их описание и структурирование, проведение опросов потребителей, определение ценовой политики, прогнозирование и другие аналогичные показатели.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3606 от 16 марта 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы оказания психиатрической помощи», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4190 от 13 февраля 2019 года «Об утверждении концепции развития службы охраны психического здоровья населения Республики Узбекистан на 2019 — 2025 годы», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5707 от 10

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 - 2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «VI. Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Исследования по организации, совершенствованию лекарственного обеспечения, маркетинговому анализу рынка лекарственных средств, применяемых в медицинской практике, проводились авторами Х.С. Зайнутдиновым, Н.Д. Суюновым, Д.Т. Саиповой, Г.А. Султановой, С.У. Алиевым и др.

